Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 171 (12.825).
24 ИЮЛЬ 1964 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган куннинг 30 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга табрикнома юборди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети номидан, бутун совет халқи номидан самимий табриклар ва энг яхши тидаклар йўллайди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев шуни таъкидлаб айтадики, мақсад ва вазифаларимизнинг умумийлиги, марксча-ленинча таълимотнинг тантанасига чуқур ишонч, бир-бирига қизғин муҳаббат ва коммунизмнинг порлоқ идеаллари учун курашда бир-бирларига ёрдам беришга интилиш халқларимизни маҳкам бирлаштиради ва жипслаштиради. (ТАСС).

Галла ФРОНТИДА

ВОБКЕНТ. «Шофринон» колхози аъзолари галла қосилини тез ўриб-йиғиб олиш учун курашиб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга дон сотиш юзасидан олган мажбуриятларини ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга пландаги 180 центнер ўрнига 890 центнер дон сотилди. Дон тайёрлаш давом этмоқда.

ҒАЛЛАОРОЛ. «Гулистон» колхози ғаллакорлари 4820 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 8-10 центнердан дон олмоқдалар. Умрзоқ Бўзаев, Лапас Анорбоев, Босим Урозқулов ва бошқа комбайнчилар кундалик топширикни 130-150 процент ado этаётирлар. Колхоз дон тайёрлаш мажбуриятини бажариб, қўшимча маҳсулот топшир. моқда.

О. СОБИРОВ.

ПАСТДАРҒОМ. «Чимбойобод» колхозининг Эргаш Рўзиев бошчилик қилаётган дончилик бригадаси 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан буғдой йиғиштириб олди. Буғдой ўрнига экилган маккажўхори текис униб чиқди.

М. ҚОБУЛОВ.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Узбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1964 йил 23 июлга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Мавсумда	Бир кунда
СИРДАРЁ	111,0	1,9
ҚАШҚАДАРЁ	110,0	2,7
Андижон	80,2	4,0
Тошкент	74,0	2,0
Бухоро	70,9	3,4
Самарқанд	65,2	3,0
Фарғона	64,9	0,7
Сурхондарё	63,1	0,7
Хоразм	4,0	—

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗ

Суратда: Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг бригада бошлиғи Тўхтахон Қирғизбоева. У бошлиқ бригада аъзолари 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан дон олдилар.

И. Глауберзон фотоси.

ҒЎЗАНИ ЧАНҚАТИБ ҚЎЙМАНГ

Колхозимиз пахтазорларида ўн икки йилдан буён сув тутаман. Менга бу касбни устозим Хўжамберди ота ўргатган. Ғўза суғориш ҳам санъат, деган эди у. Мен бу гапларни дилимга жо қилиб, сувчилик санъатини эгаллаб олдим ва шу давр ичида Нурмат Муҳаммадиев, Зикир Сандов, Тўхта Эшмуродов сингари ёш сувчиларни бу касбга ўргатдим. Улар ҳам ҳозир ҳар қандай миришкор сувчидан қолишмайдилар.

Сувчи, даставвал, чигит экилиши лозим бўлган майдонларни бир карра кўндан кечириб чиқиши керак. Мен худди шундай қиламан. Бригадамиз чигит экишга тушмасданоқ карталарнинг текислигини диққат билан кузатаман. Чунки карталар қанча текис бўлса, ўқариқ ва эгатлар шунча яхши олинади ва сув равон оқади. Агар карта нотекис бўлса, ғўза қоннқиб сув ичмайди, чуқур жойларда тўпланиб қолади, баланд ерларга чиқмайди. Шунинг учун ҳам биз, сувчилар бригаданинг бошқа аъзолари билан бир қаторда экин майдонларининг яхши текисланишига ҳаракат қиламиз.

Суғорилган ер етилиши биланоқ уни ўтказиб юбормасдан, дарҳол культивацияни бошлаб юбориш керак. Мабодо, культивация муддати кечиктириб юборилса, ғўза қатор оралари яхши юмшатилмай қолади. Оқибатда кесаклар пайдо бўлади, ғўза илдизи ҳаводан ва иссиқликдан яхши баҳраманд бўлолмайди.

Биз бу йилги суғоришни ернинг оби-тобига қараб ўтказмоқдамиз. Шу билан бирга, қатор ораларини культивация қилишни ҳам сира кечиктирганимиз йўқ. Ҳозиргача барча пахта майдонлари уч марта узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилинди, 2,5 марта қондириб суғорилди. Бу ғўзаларнинг баравж ўсишига ёрдам берди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 2-3 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Биз сувчилар ҳам шонани гулга, гулни кўсанка айлантириш учун бутун куч ва ғайратимизни сафарбар этмоқдамиз.

Июль ойида кунлар анча иссиқ бўлди. Шунга қараб, ғўза ҳам сувга талабчан бўлди. Биз буни алоҳида эътиборга олдик ва суғоришни бир минут ҳам тўхтатмасдан, кечаю кундуз ташкил этдик. Мен Тўхта Эшмуродов билан бирга тунги сменада, Зикир Сандов ҳамда Нурмат Муҳаммадиевлар кундузги сменада ишлашади. Ғўзани айниқса тунда суғориш жуда фойдали. Кундузи қуёшнинг ўткир нафасидан лоҳасланган ғўза тунда мириқиб сув ичса, юқори температура иссиқда ҳам сўлинқирамай яшнаб турадаги иссиқда ҳам сўлинқирамай яшнаб туради.

Сувчилик ҳақиқатан ҳам фахрли касб. Бу касбга ихлос қўйган ҳар бир деҳқон ютади. Ғўзадек ноёб ўсимликкa об-ҳаёт бериш, уни авайлаб ўстириб, ҳар тупида мўл «оқ олтин» бунёд этиш каби олижаноб ишни бажариш қандай гаштли! Мен бу касбни жуда улуғлайман, ўз фарзандларимга қандай меҳр қўйсам, пешона тери билан етиштирилаётган ҳар туп ғўзани ҳам кўз қорачиғидай асрайман.

Партия ва ҳукуматимиз биз сувчиларга жуда катта эътибор бермоқдалар. Яқинда кўпгина ҳамкасбларим қатори мени ҳам «Ғўзани суғориш устаси» значоги билан мукофотлашди. Бу мукофот бизни меҳнатда янги муваффақиятлар сари руҳлантириб юборди. Бригадамиз аъзолари 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» дурдоналари йиғиштириб олишга сўз берган эканлар, бунда биз сувчиларнинг ҳам хизматимиз катта эканлигини ҳис этиб ишламоқдамиз.

Маманазар ЖУМАНАЗАРОВ,
Қашқадарё область, Косон бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг сувчиси.

ЧИМКЕНТГА—ДЎСТЛАР ҲУЗУРИГА

Тошкентлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси 22 июлда Чимкентга жўнаб кетди. Улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, шунингдек ҳосилни машинада йиғиштириб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан Чимкент областининг меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текширадилар.

Бригадада йигирма киши бор. Унга Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари А. П. Алимов бошчилик қилмоқда. Бригада аъзолари орасида Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти А. М. Мирдадаев ва бошқалар бор. Тошкентлик меҳмонлар мусобақадош дўстларининг колхоз ва совхозлари далаларида 5 кун бўладилар.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР 40 КУНЛИК

Пахтакорлар учун масъулиятли дамлар бошланди. Ҳар бир кун, ҳар бир соатнинг қадрига етмаган пахтакор мўл ҳосил оламан деб умид қилмасин. Бухоро области қишлоқ хўжалиги ходимларининг куни кеча бўлиб ўтган кенгашида айни шу тўғрида гап борди. Кенгаш қатнашчилари мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Қоракўл бошқармаси партия комитетининг секретари Д. Қурбонов, Ғиждувон бошқармасидаги «Тошработ» колхози раиси Т. Салимов, «Ромитан» совхозининг бригада бошлиғи М. Барноева ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, фойдали мулоҳазалар билдирдилар. Кенгаш қатнашчилари июлнинг охири ва август ойларидан иборат жанговар 40 кунлик эълон қилдилар. Бу давр ичида область пахтакорларининг диққат-эътиборн мўл ҳосил тўплашга қаратилади.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов иштирок қилди ҳамда нутқ сўзлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ Москвага қайтиб келди

ВАРШАВА, 23 июль. ТАСС махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **В. Кузнецов** хабар берадилар:

Меҳмондўст Варшава бугун эрталаб ҳурматли совет меҳмони— КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан рафиқасини узатиб қолди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг таклифига биноан, Н. С. Хрушчев халқ Польшасининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Н. С. Хрушчевни узатиб қолмоқ учун Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретарлари, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, поляк қўшини генераллари ва офицерлари, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, поляк ва чет эл журналистлари, Польша пойтахти меҳнаткашларининг мингминглаб вакиллари аэродромга келдилар.

Н. С. Хрушчев самолёт ёнида В. Гомулка ва Ю. Циранкевични қучоқлаб, уч марта ўпади, бошқа поляк раҳбарларининг қўлларини қисиб кўришади.

Варшава вақти билан соат 10 да кумушранг «ИЛ-18» парвоз қилиб, Москвага қараб йўл олади.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев 23 июлда рафиқаси билан бирга Москвага қайтиб келди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг таклифига биноан, ўртоқ Н. С. Хрушчев халқ Польшасининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашиш учун Варшавага борган эди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. С. Хрушчевни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, министрлар, меҳнаткашларнинг вакиллари, Москва партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Эдмунд Пшчулковский, СССРдаги бошқа дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эди. (ТАСС).

ВАРШАВАДА ТАНТАНАЛАР

ЭЛЧИХОНАДА ҚАБУЛ

Бу йил шонли кун — халқ Польшасининг йигирма йиллиги билан бир вақтга тўғри келган миллий байрам — Польшанинг тикланиш куни муносабати билан Польша Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Эдмунд Пшчулковский 22 июлда катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Ю. В. Андропов ўртоқлар, Совет мамлакатининг бошқа партия ва давлат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар. Қабул маросими қатнашчилари орасида СССРдаги элчихоналарнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Қабул маросимида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот министри Ежи Штахельский бошчилигидаги Поляк — Совет дўстлиги жамияти делегациясининг аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар.

Н. В. Подгорний ва Эдмунд Пшчулковский ўртоқлар дўстона нутқ сўзладилар.

Қабул маросими самимий қардошларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ШОНЛИ 20 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

ВАРШАВА, 22 июль. ТАСС махсус мухбирлари **Д. БОЧАРОВ** ва **В. КУЗНЕЦОВ** хабар берадилар:

Варшава бугун барвақт уйғонди. Пойтахтнинг кўчалари ва майдонлари эрта биланоқ неча ўн минглаб кишилар билан тўлди. Ҳамма ерда байрам кайфияти ҳукм сурмоқда. Уйлар, жамоат бинолари ва корхоналарнинг пештоқларига қизил ва оқ-қизил байроқлар, «Польша бугун тикланиш кунини байрам қилмоқда», «Халқ Польшасига — 20 йил», «Иттифоқ, дўстлик, ҳамкорлик», «Биз социализм ва тинчлик учун курашмоқдамиз» деган сўзлар ёзилган транспарантлар қўйилган. Ҳамма ерда партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари.

Маданият ва фан саройи олдидаги катта майдонда ҳарбий парад бўлди. Байрамдагидек безатилган трибунада Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари, сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, поляк қўшини генералари ва офицерлари, фан ва маданият арбоблари бор эди. Варшавадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Трибунадаги ҳурматли меҳмонлар орасида Халқ Польшаси 20 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун келган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев рафиқаси билан, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний рафиқаси билан ва Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси В. Ульбрихт рафиқаси билан ҳозир бўлдилар.

Варшава вақти билан эрталаб соат 10 да Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министри Мариан Спихальский микрофон олдига келади. У, поляк халқининг социалистик ғалабаларини қўриқлаб турган поляк халқ қўшини қудратининг ўсиб бораётганлиги ҳақида, Варшава шартномасида аъзо бўлган давлатларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва қардошлиги тўғрисида гапиради.

...Ҳарбий парад бошланади. Поляк қўшини қисмларининг жанговар байроқларини кўтариб бораётган 48 байроқдор парадни бошлаб беради. Уларнинг кўплари Польша ва Совет Иттифоқининг ҳукуматлари олий мукофотларини олишга сазовор бўлган кишилардир. Польша Халқ Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари майдон устидан учиб ўтади. Булар орасида товуш тезлигидан бир неча баравар тез учадиган қирувчи самолётлар ҳам бор.

Байроқдорлар кетидан офицерлар тайёрлайдиган 14 мактаб ва ички хавфсизлик корпусининг тингловчилари шахдам қадам ташлаб ўтадилар. Улардан кейин Тадеуш Костюшко номидаги механизациялашган 1-фахрий дивизиянинг бронетранспортерлари, 6-ҳаво десант дивизиясининг жангчилари, денгиз соҳилларини қўриқловчи қўшинларнинг солдат ва офицерлари ўтадилар.

Энг янги конструкциядаги танклар, турли калибрдаги механизациялашган артиллерия майдондан ўтади. Ҳарбий парадниг охирида поляк қўшини ихтиёридаги ракета установкалари майдондан ўтади.

Моторларнинг гувуллаган овози тўхташи билан майдонда ёшлар пайдо бўлади. Спортчилар паради бошланади. 12 минг спортчи фахрий трибуна олдидан ўтади. Варшава ёшларнинг бундай улкан паодинин илгари ҳеч қачон кўрмаган эди! Токиода ўтказиладиган олимпиада ўйинларида иштирок қилувчи поляк командасининг 300 қатнашчиси, спорт федерациялари ва союзларининг аъзолари саф тортиб ўтадилар. Халқ Польшасининг тенгқурлари — 20 яшар йигит ва қизлар — Варшава спортчилари колоннаси спорт намойишини тугаллайди.

Шундан кейин Умумпольша ёшлар слёти қатнашчиларидан 40 минг киши трибуна олдидан ўтади.

Ҳарбий парад ва ёшлар паради поляк халқининг ўз партияси ва ҳукумати теварагига маҳкам бирлашганлиги ва жипслашганлигини, республика ёшларининг социализм қуриш улуғ ишига садоқатини кўрсатган завқли намойишга айланди.

Хурмат ТАХТАСИ

1964 йил ҳосилидан давлатга дон сотиш бўйича олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидаги ишлаб чиқариш бошқармалари республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Убайдуллаева**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Қирғизбоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тожиев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Кан Ги Ен**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тўхтаев**);

Фарғона ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Кабанов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳамралиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ғуломов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ҳашиддинов**);

Учқўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Мирзаахмедов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳайдаров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Эрназаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Красин**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдубанноев**);

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Сатторов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайдаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Воронцов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қодирова**);

Фориш ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Султонов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Есимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Каримов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Орипов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қозоқов**);

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Тўйчиев**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдушоҳидов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бердиназаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Маҳкамов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ибодуллаев**);

Норпой ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Жамолиддинов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Эшқувватов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Насриддинов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Равшанов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Исаев**);

Қарши ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Қўйбоқаров**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Бузрунов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хушвақтов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Кузнецов**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жўрабоев**);

Косон ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Абдураззоқов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Эшонқулов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шерқулов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Шукуров**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Нурқулов**);

Чироқчи ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Миланов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тилавов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раиси ўртоқ **Зоиров**, бошқарма комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Бобоқулов**).

Узбекистон ССР областларида дагал хашак тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1964 йил 20 июлга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Тайёрланган дагал хашак
Қашқадарё	93,6
Сирдарё	65,1
Тошкент	56,1
Сурхондарё	49,1
Бухоро	31,8
Андижон	30,8
Самарқанд	30,5
Фарғона	24,6
Хоразм	20,2
Қорақалпоғистон АССР	5,7

Пахта ЎТИ билан

СУДРАЛИШГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЯСИЗ

Хева ишлаб чиқариш бошқармаси даги «Тошкент» колхози пахтакорлари 1254 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун йил бошидан буён астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кўпгина бригадаларда ғўзанинг ривожи колхозчилар олинган мажбуриятга яраша ғайрат билан меҳнат қилганликларини кўрсатиб турибди. Бироқ сўнгги кунларда нима учундир ғўза парвариши бўшаштириб юборилди. Ҳар куни пахта майдонларида 915 киши ишлаши лозим бўлса, ҳозир 650—700 киши меҳнат қилмоқда. 22 та чопиқ тракторидан ҳар куни 6-7 таси бекор туради. 10 та от культиваторининг бирортаси ҳам ишлатилаётгани йўқ.

Бунинг устига механизаторларнинг унумли ишлаши учун зарур шароит яратилмаган. Далада иссиқ овқат тайёрланмайди. Булар эса ишнинг белига тепмоқда. Суғоришдан кейин қатор оралари вақтида юмшатилмаётир. Машариф Ражабов бошлиқ 8-бригадада 20 гектар майдондаги ғўза суғорилгач, қатор оралари атиги 5-8 сантиметр чуқурликда культивация қилинган. Оқибатда бегона ўтлар бўй чўзиб, ҳозир ғўзадан ҳам баланд. 15 гектар ердаги ғўзага эса ҳашарот тушган. Эгам Рўзиметов бошлиқ 11-бригадада ҳам ғўза парваришида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бу ерда 10 гектар майдондаги ғўза чанқатиб қўйилган. Бунинг устига ана шу ердаги экин бегона ўт орасида сиқилиб қолмоқда.

Отабой Салоев бошлиқ 6-бригадада сувчилар иши устидан назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида 5 гектар ердаги ғўза бостириб суғорилган. Энди эса ўсимлик гул ва шоналарини тўкиб юбормоқда. Ражаб Раҳмонов бошлиқ бригадада ҳам ғўзани устма-уст суғориш каби фактлар юз бераётир. Оқибатда анчагина майдондаги ғўза ғовлаб кетган, ҳосили эса жуда кам.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун ғўза парваришида сўнгги кунларда йўл қўйилган суст кашлиққа дарҳол барҳам бериш керак.

М. ХУЖАЕВ.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ СОҲАСИ

АНДИЖОН, 23 июль. (ЎзТАГ). Андижон саноат область партия комитетининг пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг якунлари ҳамда область партия ташкилотининг турмуш маданиятини ошириш ва ўтмиш сарқитларини тугатиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида область комитетининг биринчи секретари А. Хўжаев доклад қилди.

Пленум қатнашчилари докладни муҳокама қилиш вақтида шуни таъкидлаб ўтдиларки, область партия ташкилоти идеология ишида, унинг таъсирчанлигини оширишда, муайян ютуқларга эришди. Коммунистик меҳнат ҳаракати тинмай кенгайиб бормоқда. 20 минг кишини бирлаштирган 1.800 дан кўпроқ корхона, цех ва бригада юксак унвонни олиш ҳуқуқи учун мусобақалашмоқда.

Пленум қатнашчилари уқтириб айтдиларки, партия ташкилотлари ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш учун, омма орасида идеология ишини такомиллаштириш, маиший хизматни яхшилаш учун тагин ҳам кўпроқ қунт билан курашмоқлари керак.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Республикамизнинг ҳамма ери-даги сингари саноат корхоналарида ҳам серқуёш ўлка шонли тўйинга муносиб меҳнат совғалари тайёрланмоқда. Олмалиқ мис эритиш заводининг илғор ишчиларидан С. Малаев (чапдан), В. Волков, Р. Иднатуллин ва А. Османов ўртоқлар республикамизнинг йигит ёшини йиллик топшириқни бажариш билан нутиб олишга аҳд қилганлар. Улар олган мажбуриятларига яраша баранали меҳнат қилиб, смена нормаларини 1,5-2 ҳисса бажармоқдалар. Юқоридаги суратда Олмалиқ мис эритиш заводининг забардаст ишчиларини кўриб турибсиз.

Пастдаги суратда: Янгийўл кондитер фабрикасининг машъал ишчиларидан Холисхон Жўраева (чапдан) ва Собирахон Эгамбердиева. Улар Янгийўлда янги ишга туширилган фабриканинг энг ёш ва сергайрат ишчилари. Фабрика коллективининг республика 40 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этишда Холисхон ва Собирахон алоҳида ғайрат ва намуна кўрсатмоқда.

А. Тўраев ва И. Глауберзон фотолари.

КОЛХОЗ НЕЪМАТЛАРИ

Ястаниб ётган олмазор боғлар оралаб кезганмисиз. Ям-яшил яproқлар орасида тобланиб турган ғуж-ғуж мевалардан тотганингизда уларни етиштираётган қўли гул боғбонларга офарин ўқийсиз.

Шу кунларда колхоз бозорларига кириб қолсангиз кўзингиз қамашади. Еқутдек помидорлар, сахий ер, заррин қуёшни эмиб етилган бодринглар, болдек мазага тўлган ўриклар, шафтолилар, хирмон-хирмон уйилган қовун-тарвузлар деҳқоннинг меҳнати зое кетмаганидан далолат беради. Шаҳар аҳолисини бу хил нозу неъматлар билан таъмин этаётган қишлоқ соҳибкорларининг фидокорона меҳнатини ҳар канча улуғласанг оз.

Кумуш тонгни, бахмал кечани далада қаршилаб, юрт бойлигига бойлик қўшаётган Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг ажойиб кишилари даврасида бўлиб, уларнинг фидокорона ишлари билан танишиб бениҳоя қувондик. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Боймуҳаммедов билан суҳбатлашиб ўтириб, далалар ва шийпонларни айланиб кўриб, колхозчиларга таҳсин ўқидик.

Колхозда 9 та далачилик бригадаси бор. Бу бригада аъзолари шаҳар аҳолисига сабзи, пиёздан тортиб, ош лавлаги, карам, картошка, узум, қулупнай, қовун-тарвузгача етиштириб беради.

Колхоз йиллик гўшт тайёрлаш планини муддатидан илгари 20 июнда 80 тонна ўрнига 100 тонна қилиб адо этди. Пилла плани ҳам бажарилди. «Коммунизм» колхозининг номи область «Олтин китоб»и саҳифаларига ёзилди.

Колхозда тер тўкиб, баракали ҳосил етиштираётган колхозчиларнинг ўнумли меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқаришлари, фаровон яшашлари учун қандай маданий-маиший шароитлар яратилгани билан қизиқдик. Бу ерда аввало оналар учун яхши шароит мавжуд. Колхозчи аёлларнинг 170 дан ортиқ болалари боғча ва яслиларда тарбиялланаётир. Эзги боғча майдонига кириб борар эканмиз эркатойларнинг бахтли болалик ҳақидаги қувноқ қўшиқлари жаранглаб эшитилди.

— Кичкинтойлар бу ерда ўзларини она қучоғидагидек эркин ҳис қилишади,— деди тарбиячи Х. Абдуқодирова. Боғчанинг ўзида ясли группаси ҳам бор.

Колхоз кутубхонаси ҳамиша гавжум. Бу ерда кекса ва ёшни қизиқтирувчи 2 минг сўмлик турли адабиётлар бор. Колхозчилар учун қурилган қишки ва эзги клубларда ишдан сўнгги соатларини қўнгилли ўтказиш мумкин. Клубларда янги кинофильмлар тез-тез намойиш қилиб турилади. Шахмат-шашка ишқибозлари учун тўгараклар ташкил қилинган. Колхоз қошида футбол командаси ҳам мавжуд. Бу команда колхозлараро ўртоқлик мусобақаларида қатнашиб, доим олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келаётир. Яқинда колхоз аъзолари тантанали равишда янги 600 кишилик эзги кинотеатр биносининг очилиш маросимини ўтказдилар.

Колхозчилар учун қурилаётган янги типовой уй-жойларнинг ҳаж саноғи йўқ. Колхозда 1 ва 2-участкаларни бирлаштирувчи 6 километрли кенг йўл қурила бошланди. Касалхона, 20 ўринли туғруқхона, радиоузел ишга туширилди. Колхоз шийпонларидаги ишлар айниқса диққатга сазовордир. Ишчилар тушки иссиқ овқат билан таъмин этилган. Шийпонларда газета ва журналларнинг янги сонларини, турли плакатларни ўқиш мумкин. Ҳар бир шийпонда турли дорилар билан таъминланган аптечкалар бор.

Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун,— деган шиор асосида меҳнат қилаётган, яшаётган кишиларнинг завқли меҳнат, фарогатини кўриб қувонасиз. Колхоз пенсионерлари ҳам тек ўтиришмайди. Боғдорчилик, сабзавотчилик ишларида актив иштирок этадилар. «Коммунизм» колхози аъзолари ҳозиргача шаҳарлик биродарларига 400 тонна карам, 14 тонна сабзи, 5 тонна ош лавлаги, 35 тонна помидор, 16 тонна бодринг етказиб бердилар. Улар Тошкент аҳолисигагина эмас, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга ҳам сахий ер неъматларини етказиб бераётирлар.

Кумуш тонгларни, бахмал тунларни далада, меҳнат қучоғида қарши олиб, мўл-кўлчилик яратаётган кишиларга ҳар қанча раҳматлар айтсак оз.

Эътибор ОХУНОВА,
Клара ШУКУРОВА.

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Тошкентдаги 3-ғишт заводининг барча цехларида иш жараёнлари механизациялаштирилди. Илгари ана шу заводдаги барча ишлар қўлда бажарилар эди. Натижада планлар бажарилмай қоларди. Бажарилганда ҳам қийинчилик билан адо этилар, маҳсулот сифати паст, таннархи қиммат бўларди.

Заводдаги оғир ишлар механизмлар зиммасига юкланди, корхонанинг ишлаб чиқариш қўрсаткичлари юксалиб бораверди. Илгари зарар кўрган завод энди катта фойда кўрмоқда.

Биргина қолиплаш ишларининг механизациялаштирилиши натижасида завод ҳар ойда 1200 сўм тежаб қолмоқда. Заводда шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида пландан ташқари 1 миллион 750 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилди ва қурилишларга жўнатилди.

А. РАҲИМОВ.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЕТ

ХАЛҚ ҚИЗИ

Олтиариқ районида Мукаррама Нурматованинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У 14 йилдан бўён Олтиариқ посёлка Совети ижроия комитетининг раиси вазифасида ишлаб келади. Ўзининг маслаҳатлари, халқ хизматига доим тайёр туриши, жонбозлиги билан кишилар ҳурматига сазовор бўлган Мукаррама опа посёлканинг ободончилиги, хўжалик планларининг бажарилиши учун толмай меҳнат қилиб келмоқда.

Посёлка меҳнаткашлари ўз раисининг хизматидан жуда хурсанд.

— Уй-жойим ремонтга муҳтож эди, — дейди пенсионер Сафар ота Ғафуров, — тузатай десам, қувватим етмасди. Мукаррама қизим ёрдам бериб, янги уй-жойли бўлиб олдим.

Раиса кишиларнинг ариза ёки шикоят билан келишини кутиб ўтирмайди, доим хонадонларда бўлиб, кишилар билан суҳбатлашиб, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганади. Депутатлар ёрдамида кишиларга ёрдам ураштиради, ободончилик ва қурилиш ишларини амалга оширади.

Ҳозир посёлкада қатор уй-жой, магазин, мактаб ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари ишлаб турибди, тўрт қаватли 11 йиллик мактаб, тикувчилик цехнаси, икки қаватли болалар боғчаси ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Қатор кўчаларга асфальт ётқизилган. Бу ишларни амалга оширишда посёлка Совети қошида тузилган 9 та доимий комиссия, кенг жамоатчилик актив қатнашмоқда.

Посёлка Совети меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ҳам катта аҳамият бермоқда. Коммунистик меҳнат корхонаси шарафли номини олган нефтни қайта ишлаш заводи коллективининг иш тажрибалари барча ташкилот ва муассасаларда кенг ёйилмоқда.

— Ишимизнинг муваффақиятли бўлишига коллектив раҳбарликни жорий қилганлигимиз, қарорларнинг ижросини муттасил кузатиб боришимиз, энг муҳими кенг жамоатчиликка таяниб, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини амалга ошириб бораётганлигимиз катта ёрдам бераётир, — дейди опа.

Ю. ЭМИНОВ.

ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

Донгдор механизатор Турсуной Охунованинг ташаббуси билан юзлаб хотин-қизлар «зангори кема» капитани касбини эгалладилар. Шунда, мен ҳам ўйлаб қолдим. Овул Советимиз территориясида Беруний номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозлари бор. Уларда ўнлаб механизаторлар ишлайди. Овул Совети эса уларнинг ишига раҳбарлик қилиши керак. Хўш, агрегатни бошқаришни билмай туриб, бошқаларга қандай қилиб маслаҳат беришим мумкин? Ҳеч мумкин эмас! Шунинг учун мен овул Совети ижроия комитетининг раисиман, деб ўтирмай механизацияни ўрганишга киришдим. Мана ҳозир уч йилдан буён «ХВС-1,2» пахта териш машинасини бошқариб, ўз ишимдан ташқари бўш вақтларда «оқ олтин» теряпман.

Шу муносабат билан мен бошқа маҳаллий Советларнинг раҳбар ходимларига ҳам касбларни эгаллашни маслаҳат берардим. Бу — конкрет, амалий раҳбарлик қилишга ёрдам берар эканмиз.

Еқутжон РАЖАБОВА,
Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» овул Советининг раиси.

МАШИНАСОЗЛАР, МАҲСУЛОТИНГИЗ СОЗ БЎЛСИН!

ХАЛҚ КОНТРОЛИ — АМАЛДА

Оз меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштириш қишлоқ хўжалигини интенсивлашда бош масаладир. Бунинг учун, даставвал, дала ишларини комплекс механизациялаш даркор. Машинасозларимиз қишлоқ хўжалигини, даставвал, пахтачиликни комплекс механизациялаш имконини берувчи хилма-хил машиналар ишлаб чиқармоқдалар. Ижодкор конструкторларимиз вазни енгил, бошқаришга қулай янги-янги машиналар лойиҳасини яратмоқдалар. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида бир қатор муҳим ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилмоқда, янги техника ва прогрессив технология изчиллик билан жорий қилинмоқда, огир ва кўп меҳнат талаб этувчи иш жараёнлари механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда, поток ва конвейер линиялари ишга туширилмоқда.

Лекин шу билан бирга бир қатор машинасозлик заводларида тайёрланаётган маҳсулот сифати улар олдига қўйилаётган талаблар даражасида эмас. Чунончи, Тошкентдаги трактор-йўғув заводи колхоз ва совхозларга сифатсиз маҳсулот жўнатмоқда. Корхона инженер-техник ходимлари завод маркасининг шуҳратини ошириш, машиналарнинг деталь ва узеллари конструкциясини соддалаштириш, уларнинг чидамлилигини ошириш каби муҳим масалаларга етарли эътибор бермаётирлар. Ишлаб чиқаришга пластмасса ва бошқа химиявий материаллар жуда суст жорий қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот сифатига таъсир қилаётир. Корхонада тайёрланаётган тракторларнинг вазни 2, 3 тонна.

Корхонадаги мавжуд контроль-тажриба станцияси делали ишламаётир. Цех ва участкаларда бажарилаётган ишларнинг сифати мунтазам назорат қилиб борилмайди. Шунинг натижасида тайёрланган тракторларда жуда кўп жиддий камчиликлар аниқланмоқда. Яқинда «Союзсельхозтехника»га топшириш учун тайёрланган 50 та трактор текшириб кўрилгайда уларнинг ҳаммасида жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди ва бу тракторлар корхонага қайтариб берилди. Ўтган йили жиддий камчиликлар аниқланганлиги учун 2.606 трактор ёки корхонада тайёрланган барча тракторларнинг 32,8 процента қайта ишлаш учун заводга келтирилди. Ўтган йили завод маҳсулоти сифатига эътирозлар билдирилган етти рекламация олинган эди. Бу йил эса рекламациялар сони яна кўпаймоқда.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, корхона маъмурияти, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари юз берган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни тугатиш учун зарур чоралар кўрмаётирлар. Шу йилнинг фақат икки ойи мобайнида бракдан 39 минг 840 сўм зарар кўрилди. Ана шу исроф қилинган давлат ва халқ маблағини айбдорлардан ундириб олиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш учун етарли кураш олиб борилмаяпти. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш кўнгилдагидек бўлмаганлиги сабабли барча цехлар бир меъёрда ишламаётир. Ой бошида корхонада бирмунча хотиржамлик ҳукм суради. Ойнинг иккинчи декадасида эса бир оз жонланиш бошланади. Учинчи декадада эса штурмчилик авжига чиқади. Масалан, шу йилнинг январь ойида тайёрланган 364 та тракторлардан 214 таси ойнинг охирги кунида қабул қилиш учун топширилган, Февраль ойида тайёрланган 234 та тракторлардан 84 таси, март ойида ишлаб чиқарилган 263 та тракторлардан 213 таси ойнинг охирги кунларида қабул қилиш учун топширилган.

Бундай аҳволнинг юз бераётганлигига сабаб шуки, ишлаб чиқариш командирлари — мастерлар ва инженер-техник ходимлар маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашмаётирлар, ишчиларда ўз бурчига нисбатан масъулиятни сезиш ҳиссини тарбиялламаётирлар. Корхона маъмурияти цех бошлиқлари ва инженер-техникларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборган. Контроль бўш бўлгач, технология процесслари бузилмоқда, машиналарнинг деталлари эса лойиҳа асосида тайёрланмаётир. Техника-контроль бўлимининг иши ниҳоятда қониқарсиз ташкил этилган. Бу бўлим ходимлари тайёр маҳсулотларни қабул қилиб олишда юксак талабчанлик қилмаётирлар, брак маҳсулотларни ҳам қабул қилиб олиб, ўз зиммаларидаги масъулиятни унутиб қўймоқдалар.

«Ташсельмаш» заводи пахтачиликни комплекс механизациялашда алоҳида роль ўйнайди. Бу корхона кўплаб пахта териш машиналари ишлаб чиқариб, йиғим-терим ишларини механизациялаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Завод шу йилнинг январь ойидан бошлаб ўзи-юрар «ХВС-1,2» машинаси ўрнига тракторга тиркаб ишлатиладиган «ХТ-1,2» маркали осма пахта териш машиналарини серияли ишлаб чиқара бошлади.

Лекин корхона ана шу жуда муҳим машинани кўплаб ишлаб чиқаришга яхши тайёргарлик кўрмади. Ўтган давр ичида машина конструкциясига 1.766 та ўзгартиш киритилди. 474 хил деталнинг тайёрлаш технологияси ўзгартирилди. Бунчалик кўп ўзгартишлар, табиийки, корхона ишини жуда мураккаблаштириб юборди ва бу нарса технология процессининг бузилишига ва, бинобарин, маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келди. Конвейердан тушган тайёр машиналарда жуда кўп камчиликлар аниқланмоқда. Шу йилнинг уч ойи мобайнида «Союзсельхозтехника»га топшириш учун берилган машиналарнинг бир нечасида камчиликлар бўлганлиги учун улар корхонага қайтариб берилди. Оқибатда корхона неча ўн минг сўмлаб зарар кўрмоқда. Лекин ана шу хатоларни тугатиш учун завод раҳбарлари изчил кураш олиб бормаётирлар.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг берган маълумотларига қараганда, ўтган йили Ўзбекистон колхоз ва совхозларида 12 мингта «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси ишлади. Бу машиналар мавсум мобайнида турли хил сабаблар билан 226 минг машина-кун, шу жумладан техника сабабларига кўра 41 минг машина-кун бекор туриб қолган. Машина рамалари, олдинги ғилдирак ўқларининг, ишчи аппаратларининг айрим деталлари сифатсиз тайёрланганлиги сабабли ана шундай камчиликлар юз берган.

Тошкент саноат область партия-давлат контроли комитети яқинда жуда кенг активлар иштирокида ана шу тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини ҳар тарафлама ўрганиб чиқди. Текшириш натижалари комитет йиғилишида ҳар тарафлама муҳокама қилинди ва юқоридаги камчиликларни тузатиш юзасидан фойдали йўл-йўриқлар берилди.

Корхона дирекцияларининг юз берган аҳволга жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги бошқармасига ҳавола қилинди. Маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида камида йилига бир марта колхоз ва совхозлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа корхоналарнинг, шунингдек «Сельхозтехника» бирлашмаси, халқ хўжалиги кенгаши ва конструкторлик ташкилотлари вакилларининг иштирокида конференциялар ўтказиш, завод ходимларининг машиналарни иш шароитида ўрганиши мақсадида колхоз ва совхозларга тез-тез чиқиб туриши тавсия этилди. «Сельхозтехника»нинг маҳаллий бирлашмалари билан машинасозлик корхоналари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланадиган ва шу асосда маҳсулот сифатига нисбатан жойлардан келаётган сигналлар асосида оператив тадбирлар белгиланадиган бўлди.

И. СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент саноат область партия-давлат контроли комитетининг аъзоси.

ЮКСАК МУКОФОТ

Ўтган йили Фарғона областидa тайёрланган «оқ олтин»нинг бешдан бир қисмидан кўпроғини Ленинград ишлаб чиқариш бошқармаси пахтакорлари етказиб бергаилар. Бошқарма пахтакорларининг меҳнати юксак тақдирланди. 31 киши СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг медаллари ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди. Булар орасида механик-ҳайдовчилар, сувчилар, механизаторлар ва чевар теримчилар бор.

М. Йўлдошев.

Хатларингизга ЖАВОБ берамиз

«ДИРЕКТОР ШУНДАЙ ҲАМ БЎЛАДИМИ?»

Қарши механизация билим юртининг директори У. Исломов хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, коллективдан ажралиб қолди. Соф виждонли, тажрибали ўқитувчиларни ишдан асоссиз бўшатди. Янги ишга келган ўқитувчилар, мастерларга етарли маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўраётгани йўқ. Партия ташкилоти қаттиқ тарбиба чақирмаса у боши бери кўчага кириб қолиши, кейинчалик йўл қўйилган нуқсонни тузатиш қийинлашиб кетиши мумкин. Билим юртининг ўқитувчиси Х. Отақулов, ишлаб чиқариш таълими бўйича мастерлар А. Югай, К. Мирзаев, партия-давлат контроли комитетининг ходими А. Султоновлар имзоси билан олинган хатда ана шу фикрлар баён этилади.

Редакция хатни Қарши шаҳар партия комитетига юбориб, унда келтирилган фактларни текшириб кўриши, шу асосда тегишли чора-тадбир белгилашни илтимос қилди. Шаҳар партия комитетининг секретари Х. Шарипова имзоси билан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Махсус тузилган комиссия хат юзасидан текшириш ўтказди. Текширишда келтирилган фактлар тасдиқланди. Шаҳар партия комитетининг бюроси У. Исломовга партия ҳисобот карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди. Йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чоралари кўрилди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг 7-сони «Шонли юбилей арафасида» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Госплани раиси С. Зиёдуллаевнинг «Индустриал Ўзбекистон», тарих фанлари кандидати А. Валиевнинг «Ўзбекистон халқ интеллигенциясининг шаклланиши», С. Исмоиловаларнинг «Ўзбек ва украин халкларининг қардошларча ҳамдўстлиги», тарих фанлари кандидати Ю. Алексеевнинг «Самарқанд коммунистларининг Советлар ҳокимияти учун курашда» сарлавҳали мақолалари берилган.

Тарих фанлари кандидати Қ. Аҳмедовнинг «Суғориладиган деҳқончиликни интенсивлаштиришда сув омборларининг роли», қишлоқ хўжалик фанлари доктори Я. Момот, биология фанлари кандидати Т. Сафаровларнинг «Дон етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўлароқ фойдаланайлик» сарлавҳали мақолалари ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

Булардан ташқари, журналнинг «Тарихий саналар ва воқеалар» бўлимида Польшанинг фашист босқинчиларидан озод қилинганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан Ч. Толиповнинг «Халқ Польшаси муваффақият билан социализм қурмоқда» сарлавҳали мақоласи берилган.

И б р а т

«Алмаликсвинецстрой» трестининг механизация бошқармаси механизаторлари трест қурилишларида машина-механизмларни икки-уч смена давомида ишлатишга эришиш билан бирга, пахта далаларига об-ҳаёт элтадиган Тошкент каналини

«АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

реконструкция қилишда ҳам жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган даври ичида 700 минг кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиб чиқариб, ажойиб галабани қўлга киритдилар. Ҳозир йиллик плани бажариш бўсағасида туришибди.

Механизаторлар Тошкент канали реконструкциясини 1965 йилда тугаллаш учун ҳамма имкониятларни ишга солишмоқда. Канал кенгайтирилиши натижасида Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасида қўшимча равишда бир неча 10 минг гектар ерни сув билан таъминлаш мумкин бўлади. Ўртасарой, Тўйтепа, Оҳангарон ва Олмалиқ зоналаридаги колхозларнинг пахта далаларини сув билан таъминлаш яхшиланади.

Механизаторлар суръатга суръат қўшиб ишлаш натижасида ойлик планларини 1,5-2 баравардан ошириб адо этмоқдалар. Экскаватор машинистлари Цехоцкий, Лисаков, Соколов, Боженко ўртоқлар шу йилнинг ўтган ойлари ичида жуда катта ҳажмда тупроқ ишларини бажаришга муваффақ бўлдилар.

Канал қурилишида айниқса, бульдозерчилар юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Ҳозиргача Муродилов, Кузнецов, Плешивцев ва Ткаченко синфари бульдозерчилар йиллик план миқдорида тупроқ суришга эришдилар. Кўпгина бульдозерчилар 1965 йил ҳисобига ишламоқда.

Тошкент канали реконструкциясида ишлаётган механизаторлар кун сайин меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солишмоқда. Цехоцкий, Лисаков, Соколов ўртоқлар бир ковшни 38-44 секунд ўрнига 17-19 секундда тупроққа тўлдиришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар бошқараётган экскаваторлар яхши ремонт қилинганлиги сабабли унумли ишламоқда. «Алмаликсвинецстрой» трести механизаторларининг машина-механизмларни икки-уч сменада ишлатиш, юқори кўрсаткичларга эришиш борасидаги бу ишларидан республика механизаторлари ибрат олса арзийди.

В. ХАЙРОВ,
«Узглавстрой» бош механигининг ўринбосари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2
24 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ
№ 171 (12.825).

СТУДЕНТЛАР — «ЗАНГОРИ КЕМА» РУЛИДА

Тошкент темир йўл транспорти институти коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини тантанали нишонлашга зўр тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда институтда юбилейга бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Юбилей кунигача ҳисоблайдиган машина маркази бир неча уй-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриб битказилади.

Ўзбекистонда ҳар бир киши, ким бўлишидан қатъи назар пахта учун курашни ўзининг бурчи ва жонажон иши деб биладилар. Институтнинг механика факультети (декани ўртоқ А. Д. Мошков) қошида бу йил жамоатчилик асосида пахта териш машиналарини ҳайдовчи механикларни тайёрлаш қисқа муддатли курси очилди. Старший ўқитувчи Б. В. Волков курсга раҳбарлик қиляпти. 80 га яқин йигит ва қиз студентлар ёзги каникул вақтида «зангори кема»ларни бошқаришни ўрганадилар. Булар орасида институтга келганга қадар механик-ҳайдовчи бўлиб ишлаган Т. Ғайфуллин, А. Никитин, А. Волков, тепловоз машинисти бўлган Н. Гусев, Б. Туркабаев, шофер А. Қўчарбоев кабилар бор.

Бу ватанпарварлик ташаббуси пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриш тўғрисида яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қарорига, ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР Чимкент области илғор механизаторларининг очиқ хатига институт коллективининг амалий жавобидир.

Ш. ЗУҲРИДДИНОВ,
институт партия комитети секретарининг ўринбосари, доцент.

Баракали хирмон

Ҳорманг, ғаллакор дўстлар, қалбида она-Ватан омборини донга тўлдириш, маъмурчилик яратиш иштиёқи туғён ураётган баҳодирлар. Хирмонингизга барака!

Ҳамкасб ўртоқлар, шу кунларда бир йиллик меҳнатимиз якунини жамул-жам қиляпмиз, улкан хирмон кўтаряпмиз. Поёнсиз пайкалларда комбайнлар тинимсиз ишлаяпти, ғалла ортилган машиналар, аравалар тайёрлов пунктларига узлуксиз қатнаяпти. Давлатимиз мангалай теримиз билан етиштирилган олтин бошоқларни қабул қиляпти. Бу — Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйига ғаллакорларнинг туҳфасидир.

Дон — нон, гўшт, ёғ, сут. Дон — сахий дастурхонимиз файзи, кўрки. Дон Ватанинг куч-қудрати, келгуси йил мўл ҳосилига ташланган хамиртурушдир. Халқимиз орасида «бўш қоп тик турмайди» деган нақл бор. Омборимиз донга тўлса юртимиз фаровон, белимиз баҳувват, дилимиз ёруғ бўлади. Меҳмонимизни очиқ чеҳра билан кутиб оламиз, тўйларимизга файз киради.

Бу йил далаларимизда ғаллачилик тарихида мисли кўрилмаган ҳосил битди. Ғалла фронтидан олинган сводкага бир назар ташланг-а, республикамиз давлатга дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажарай деб қолди. Москвага, КПСС Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга ғалаба рапорти йўллаш фурсати тобора яқинлашяпти. Бунга қувонмай бўладими!

Аммо олдимизда ҳали жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Катта майдонлардаги олтин бошоқлар бизга термилиб, мунтазир бўлиб ётибди. Уни тезроқ ўриб-йиғиб, саристалаб олишимиз керак. Дўстлар, ғалла ўрим-йиғими мавсумий иш, вақтида отини қамчилаган деҳқон ютади, нечиккан деҳқон ютқазади. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, фурсатни ғанимат билиб ўрим-йиғимни жадаллаштирайлик. Хўжаликлардаги асосий куч, техника воситалари шу мақсад йўлига бўйсундирилсин. Коммунистлар ва комсомоллар ғалла фронтида авангардлик ролини ўйнасин. «Бир грамм ҳам доннинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз!», «Давлатга дон сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш муқаддас бурчимиз!». Бугуннинг шиори ана шундай!

Тўғри, бу иш осонликча бўлмайди. Лекин инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Шу кунларда ҳар бир ғаллакор юрган йўлида ҳам, турган жойида ҳам, ўнги ва тушида ҳам дон десин, дон ишида нуйиб ёнсин. Виждон амри, қалб ҳарорати билан ижодий меҳнат қилиб, донни тезроқ тўплаб олишга ҳисса қўшсин. Ёруғ кун қисқалиги қилса, уни тунга улаб ғалла ўрсин, янчсин, карвон-карвон қилиб омборга жўнатсин. Сафимизда ана шундай меҳнат қилиб, ажойиб муваффақиятларга эришаётган баҳодир ғаллакорлар ўнлаб, юзлаб топилади. Улардан ўрнак олайлик, уларга тенглашайлик.

Роза ОТАБОЕВА,
Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз ғаллачилик бригадасининг бошлиғи

□ □

Мен тўрт йилдан буён ғаллачилик бригадасига бошчилик қиламан. Шу даврда буғдой, арпа, маккажўхори ва нўхатдан юқори ҳосил етиштиришда анча тажриба тўпладим. Ҳозир шу ҳақда қисқача ҳикоя қилмоқчиман.

1962 йилда колхозимизда маккажўхоринорлик бригадаси тузилди. Уша йили 7 киши 60 гектар ерда маккажўхори ўстириб, гектаридан 20 центнердан дон, 1803 центнердан силосбоп кўкпоя олдик. Тажрибасизлик орқасида агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошира олмадик, машинага нисбатан қўл кучи устунлик қилди. Оқибатда кўкпоя ҳосили дуруст бўлса-да, таннарх қимматга тушди, уруғлик дон эса мўлжалдагидан анча кам бўлди.

1963 йилда бошқача режа билан ишладик. Хўжамозор массивидан 13 гектар янги ер ўзлаштириб, экин майдонини 73 гектарга етказдик. Шу йили ҳар гектар ердан 50 центнердан уруғлик дон олдик. Салкам 7 минг тонна маккажўхори силос қилинди. 943 центнер уруғлик дон жамғарилди. Ёки ҳосилдорлик гектар бошига икки ҳисса ортди.

Бригадамиз аъзоларининг ўз касбига ихлоси тобора ортиб боргани, қийинчиликлар ва табиат ўжарликлари билан курашда катта тажриба тўплагани бундан яқол кўриниб турибди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб астойдил ҳаракат қилса, табиат ўжарликлари билан астойдил курашса, ҳосилдорликни ошириш мумкин. Биз бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 100 центнерга етказиш мажбуриятини олдик. Ҳозирча иш якунимиз қуйидагича:

22 гектар бугдойзордан 35 центнердан хирмон кўтарилди. Нўхатзордан 20 тонна нўхат йиғиб олинди. Шундай қилиб, бригадамиз ҳозир давлат омборига 150 тоннадан зиёд дон тўкди. 20 гектар маккажўхори пайкалининг ҳар гектаридан ўртача 50 центнердан уруғлик дон олиш кўзда тутиляпти. Ҳосил чакки эмас. Ҳар туп ўсимлик 2-3 сўта боғлади. Яқин кунларда ўримни бошлаймиз. Шунда ҳосилдорлик 85 центнерга етади. Арпа ва бугдойдан бўшаган катта майдонларга такрор маккажўхори экилди. Энинни яхши парваришлаб, гектаридан камида 15-20 центнердан дон оламиз. Шунда ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил кўтарган бўламиз.

Партия ва ҳукуматимиз маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш билан бирга таннархни кескин камайтириш масаласини қўймоқда. Биз бу соҳада ҳам анча ишлар қилдик. Мен илк дафъа бригадирлик қилган йилим бир центнер маккажўхори донининг таннархи 15 сўм 74 тийинга тушди. Бу жуда қиммат, албатта. Кейинги йилларда қўл меҳнатидан воз кечдик, ишнинг оғирини машиналар гарданига ортдик. Агротехника қоидалари изчиллик билан амалга оширилди, мўъжизакор химия бизга ёрдамга келди. Энг муҳими дала ишлари машиналаштирилиши туфайли ўрим-йиғим муддати қисқарди, нобудгарчиликка бутунлай барҳам берилди. Ҳосил ошиб борган сари маҳсулот таннархи камайди. Масалан, 1963 йилда бир центнер маккажўхори дони 2 сўм 90 тийинга тушди. Ёки шу йили 1962 йилдагига нисбатан 10 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Бу машина ва химия бизга ҳадя қилган маблағдир.

Энди сарфланган харажат ва олинган даромад, бригадамиз аъзолари моддий-маданий аҳволининг яхшиланиб бориши ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Колхоз техника воситалари, ўғит, суғни вақтида етказиб беряпти. Нимага қўл узатсак, қурбимиз етади. Биз ана шу моддий-техника воситаларидан ишнинг кўзини билиб, самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, бизнинг бригадамиз бу йил колхозга 12 минг сўм соф фойда беради. Агар 1962 йилда ҳар бир колхозчининг ойлик маоши 80 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил ўртача 100 сўм бўлади. Томорқадан олинган даромад, устама мукофот бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Бу айни шу кунларнинг талабидир. Эътироф этиш керакки, айрим жойларда колхозчилар жуда катта даромад олаётганига қарамай, маданий-маиший аҳволни яхшилаш чоралари кўрилмаётир. Бизда бундай эмас. Кундузи меҳнат қиламиз, кечкурун маданий дам оламиз. Намунали далашийпонимиз бор. Бу ерда маданий хордиқ чиқариш учун ҳамма нарса муҳайё. Колхозимизда ҳам шундай. Кинотеатр, клуб, маданий-маиший муассасалар колхозчиларга хизмат кўрсатаётир. Аъзоларимиз навбат билан дам олиш уйларида меҳнат ғаштини сураётирлар. Турдибой Ниёзов, Ҳусанҳон Тўраев, Салим Юнусов, Мирза Очиловлар Руминия, Болгария ва Венгриянинг курорт шаҳарларида дам олдилар. Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат, дейилишининг боиси шунда.

Биз коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашяпмиз. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси КПСС Программасида ўз ифодасини топган коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидаларига содиқдир. Яқинда бир воқеа юз берди. Карим Дўсматов бетоблиги учун касалхонага жўнатилди. У операция қилинди. Биз ўзаро маслаҳатлашиб, унинг оила-аъзоларига 50 сўм ёрдам пули бердик, экинларини жамоатчилик асосида парвариш қилдик, беморнинг ҳолидан хабар олиб турдик. Бундан руҳланган Дўсматов тездаёқ соғайиб чиқди ва сафимиздан ўрин олди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Колхозимизда ғаллачиликнинг истиқболи ҳақида икки оғиз сўз: Калинин номли колхоз юқори ҳосилли ғаллакор хўжаликлардан биридир. Бу йил 600 гектар майдонда арпа ва бугдойдан кўзда тутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди. 172 гектар майдондаги арпа ва бугдой йиғиштириб олиниб, давлатга 196 тонна дон сотилди ва план ошириб бажарилди. Қолган ғаллани йиғиштириб олиб, давлатга яна 438 тонна дон сотиш ниятимиз бор.

Ғаллачилик улуғ касб. Уни шарафлаш ҳар бир ғаллакорнинг муқаддас бурчидир. Шу кунларда бутун мамлакат ғаллакорларимизнинг ижодий ғайратини кузатиб турибди. Илғор хўжаликлар ғалла тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берётир. Бизнинг асосий вазифамиз ўрим-йиғими қисқа муддатда муваффақиятли тугаллашдан иборат. Бунинг учун комбайнлар ишини икки сменада ташкил қилиш керак. Қўшимча транспорт воситалари ажратиб, хирмонларда уйилиб қолган донни тезроқ ташиб олишимиз зарур. Утган йилларда ғалла нобудгарчилигига қаршн курашда комсомол-ёшлар жуда катта кўмак берган эдилар. Бу йил ана шу традицияни яна давом эттириш керак.

Бригадамиз аъзолари бутун куч-ғайратини сарф этиб, гектаридан юз центнерлик ғалла хирмонига ғалаба байроғи тикадилар.

АВЖИ ПАСТ ҒЎЗА КЎП

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАКОРЛАР САМАРҚАНД ДАЛАЛАРИДА

• •

Мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини текшириш учун Самарқанд областига келган Озарбайжон пахтакорлари вакиллари кейинги кунларда областнинг Норпой, Каттақўрғон, Иштихон, Пойариқ бошқармаларида бўлдилар, социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, ҳосил тўплаш тадбирларининг қандай амалга оширилаётганлиги билан чуқур танишдилар.

Қардошлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳима Исломова раҳбарлик қилаётган Крупская номли колхознинг уста сувчилари, моҳир механизаторлари билан суҳбатлашдилар. Зулайҳо Ҳомидова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг қандай қилиб пахтадан юқори ҳосил олиб келаётганликлари билан қизиқдилар. Ҳомидова бригадаси ўтган йили гектаридан 42 центнердан пахта етиштирган. Ҳозир 70 гектар ердаги ғўза сифатли парвариш қилинаётир. Колхозчилар шу майдоннинг ҳар гектаридан кўкламда олинган мажбурият — 50 центнер ўрнига 60 центнердан пахта етиштиражакларини билдирдилар.

Мусобақадошлар Норпой бошқармасидаги «Коммунизм», Ленин номли, Каттақўрғон бошқармасидаги «Правда», Киров номли, Калинин номли, Энгельс номли, Иштихон бошқармасидаги «Коммунист», «Октябрь», Қуйбишев номли колхоз далаларида бўлганларида ғўза парваришидаги жиддий нуқсонларга дуч келдилар. Каттақўрғон бошқармасидаги Калинин номли колхозда ғўза парвариши сust. Кўпчилик майдондаги ғўзани бегона ўтлар босиб кетган. 1700 гектар ердаги ғўзадан 500 гектари ҳозиргача гуллагани йўқ. Муртазо Ризақулов, Рўзи Раҳмонов бошлиқ бригадаларда ғўза жуда сийрак, ҳар гектар ерда 65-70 минг ниҳол бор. Худойқул Усмонов бошлиқ бригаданинг 24 гектарли картасидаги ғўза суғорилгандан кейин қатор оралари қотиб кетгач культивация қилинган. Натижада катта-катта кесаклар кўчиб, ғўзанинг томири очилиб қолган.

Қуйбишев номли, Киров номли, Чкалов номли колхозларда агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган. Чкалов номли колхознинг Турсун Собиров бошлиқ бригадасидаги кўпчилик карталарда ғўза текис ривожланмаган. Картанинг баланд жойларига сув чиқмаган. Пастлик жойлар эса қўллаб қолган. Колхоз раиси Б. Орипов, агроном Х. Рўзиев ўртоқлар ғўза парваришини олинган мажбурият асосида уюштирмаяптилар.

Каттақўрғон бошқармасидаги талай участкалар карадринадан, кўсак қурти, ўргимчакканадан зарарланган. Меҳмонлар кўпчилик хўжаликларда бу зararкунандалар билан кураш яхши ташкил этилмаганлигини таъкидладилар. Мавжуд пуркагич машиналари—«АУН» ва «ОДН» аппаратларидан дуруст фойдаланилмаган.

Ўтган йили Каттақўрғон ва Иштихон ишлаб чиқариш бошқармалари пахта планини, хусусан машинада пахта териш планини барбод этган эдилар. Шунга қарамай, ҳар икки бошқармада ғўзанинг ўсиши ва ҳосил олиши ёмон. Катта-катта карталардаги ғўзалар гулламаган, туп сони кам. Машина теримига тайёрлик кучайтирилмаган. Пахта териш машиналарининг ярмиси ҳам ремонт қилинмаган. Озарбайжон пахтакорлари паст ғўзалари алоҳида парвариш қилиш. июль ойининг қолган кунларида авжи паст ғўза қатор оралари камида бир марта узунасига, кўндалангига чуқур культивация қилиш, қўшимча озиқлантириш, қондириб суғориш кераклигини айтдилар.

Мусобақадошлар хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими, хашак жамғариш, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш билан ҳам қизикдилар. Сувли ерлардаги арпа ва бугдой ҳосилини тезда йиғиштириб олиб, ўрнига такрор бошқа экинлар экиш лозимлигини уқтирдилар.

Қардош Озарбайжон вакиллари ўзаро текширишни давом эттирмоқдалар. Улар самарқандлик илғор пахтакорларнинг тажрибасини ўрганиш билан, ўзларининг қимматли ва дўстона маслаҳатларини ҳам бермоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК УЧУН

САМАРҚАНД. Ғаллаорол бошқармасидаги 1-«Ғаллаорол» совхози чорвадорлари чорва қишлоғига тайёргарлик ишларини ҳозирданоқ қизитиб юбордилар. Улар айниқса мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Бу ерда табиий ўтлардан ва маккажўхоридан кўпроқ озуқа тайёрлаш мақсадида махсус бригадалар ташкил этилган. Ана шу бригадаларда хизмат қилаётган Аҳмад Бўтаев, Эргаш Тўхтаев, Бозор Ҳатамов каби комбайнчилар ҳар куни топширикни 1,5 ҳисса бажариб, 50-55 тонна кўкпоя ўрмоқдалар.

Совхоз чорвадорлари ҳозиргача 6000 тоннадан зиёдроқ кўкпоядан силос бостириб қўйдилар.

Е. УТАЕВ,
Р. АБДУНАБИЕВ.

●

АНДИЖОН. Андижон бошқармасидаги «Октябрь» колхози аъзолари икки йиллик ем-хашак жамғариш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда ем-хашак тайёрловчи бригадалар ташкил этилиб, улар кўракли ўрим агрегатлари ва транспорт воситалари билан таъмин этилган.

Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли шу кунга қадар 400 тоннага яқин озуқабоп хашак жамғарилиб, ғарам қилиб қўйилди. Хашак ташишда шоферлардан Иброҳим Исмоилов, Жалолиддин Мирзаилёсов, Исмоил Қовлановлар самарали ишламоқдалар.

А. АБДУЛАХАТОВ.

ҒАМХЎРЛИКДАН РУҲЛАНИБ

Фидокор деҳқонларимиз сессия қарорларини давлатга дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш билан кутиб олдилар. Хўжалигимиз давлатга пландаги 500 тонна ўрнига, қарийб 2000 тонна дон етказиб берди. Бу, ўтган йили топширилган галладан 900 тонна кўпдир.

Кўп йиллик тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ердан нақадар самарали ва оқилона фойдаланилса, у шунчалик кўп нозне ъматлар инъом қилаверади. Биз бу йил 1640 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнерга етказиб «оқ олтин» олмоқчимиз. Бунинг учун даставвал ерни яхши ардоқлаб, сифатли ишлаяпмиз.

Бу йил пахтадан ана шундай юқори ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Колхозимиз давлатга пилла сотиш планини 142 процент, қоракўл терини — 116 процент адо этган эди. Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларидан олинадиган даромадимиз бу йил айниқса кўп бўлади. Бу эса колхозчилар учун пенсия фондини ошириш ва бу фондга кўпроқ маблағ ажратиш имкониятини беради.

Бизда ҳозир 196 киши қариллик пенсияси оляпти. СССР Олий Совети сессияси материаллари ҳамда сессияда қабул қилинган янги Қонунлар билан танишиб чиққан кексаларимизнинг катта қисми далада ишлашга, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор бердилар. Чунки қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига янги тартибда пенсиялар тўлаб бориш, уларнинг ижодий активлигини ва меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. 71 яшар Худоёр Холиқов, Ниёзқул Очилов, Улуғбобо Норбоев, Туроб Юсупов, Ўлкан Султонов каби кўплаб кексаларимиз ғўза зараркунандаларига қарши курашда, етиштирилган мўл ғалла ҳосилини тезроқ саранжомлаб олишда колхозчиларимизга кўмаклашмоқдалар.

Умумий ишимизга баракали ҳисса қўшаётган қарияларимиздан бениҳоя миннатдормиз.

М. ҲАЙДАРОВ,
Пастдарғом бошқармасидаги «Чимбойобод» колхозининг раиси.

ГИНАХОНЛИКНИ ҚЎЙИНГ

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Северная маяк» колхози аъзолари ўтган йили ҳосилнинг 50 процентини, —1800 тонна пахтани «зангори кема»ларда териб олган эдилар. Бу йил 1205 гектар ердан 2235 тонна пахтани машинада теришга қарор бердилар. Бу, умумий ҳосилнинг 60 процентини ташкил этади.

Колхозда ўтган йили 30 та «ХВС-1,2» машинаси ишлаган бўлса, бу йил 37 та ишлайди. Янгидан 7 та «ХВС-1,2» машинаси сотиб олинди. Машина теримига ажратилган 1205 гектар майдонда ғўза алоҳида парвариш қилиняпти.

— Бу йил биз, — дейди 4-бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Ким Кирил,— 207 гектар ерга чигит экканмиз. Шундан 135 гектаридаги ҳосилни машинада териб оламиз. Ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиряпмиз.

Механизаторлар терим машиналарини зўр ғайрат билан ремонт қилмоқдалар. Ўтган йил юз тонна ва ундан ҳам ошириб пахта терган Мастура Масагимова, Михаил Огай, Замон Жўраев, Константин Пак ва Ан Борислар ремонтда мусобақалашиб ишлаётирлар.

Лекин, бир нарса ремонтнинг белига тепмоқда. 30 та «ХВС-1,2», 21 та кўсак чувийдиган, 11 та кўсак терадиган машиналар учун запас қисмлар етишмаслиги сабабли ремонт чўзиляпти. Қисмлар етишмаслигига эса «Узсельхозтехника» район бирлашмасидаги раҳбарларнинг ўринсиз гиназси сабаб бўлаётир. Колхоз правлениеси сифат устидан назорат қилиб туришни кўзда тутиб, машиналарни ўз устахонасида ремонт қилишни лозим топди. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Мелик Карамян) эса «нега машиналарингни ремонт қилиш учун бизга юбормадинглар», деб колхозга атайин зарур қисмлар бермаяптилар.

Ҳозир колхознинг «ХВС-1,2» машиналари учун поршень, гилдираклар, регулятор моторлари, барабан пирклари ва бошқа қисмлар керак. Буларни колхоз фақат «Узсельхозтехника» район бирлашмасидан олиши мумкин. Шунинг учун «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ўринсиз гиналарни қўйиб, интенсивлаш ва комплекс механизациялаш йўлидан бораётган бу хўжаликни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминламоғи лозим.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

АГРЕГАТ ИШГА ТУШДИ

Шўрчи бошқармасидаги «Ленинобод» колхозининг сутчилик фермасида «Арча» типидаги сут совғиш агрегати ўрнатилди. Бу эса сут соғувчиларни оғир қўл меҳнатидан озод қилибгина қолмай, сут етиштиришни анча кўпайтиришга имкон бермоқда.

Б. Меликов.

ТЎРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БУХГАЛТЕР

Одатда, бир хўжалик ёки муассаса қўлга киритган муваффақиятлар ҳақида гап кетганда илғор кишиларнинг номи тилга олинади. Аммо, кўп ҳолларда бухгалтер эсдан чиқарилади. Ҳолбуки, бухгалтер кези келганда уйқу билмай чўт қоқади, хўжалик экономикасини планли равишда юксалтириш режаларини тузади, резервлар топиш, умумхалқ бойлигини кўз қорачиғидай асраш йўлини излайди. Демак, ҳар бир галабада унинг ҳам катта улуши бор. Буни 25 йилдан буён Ғиждувон бошқармасидаги Энгельс номли колхозда бош бухгалтер бўлиб ишлаб келаётган Сайфиддин Ғайбуллаев мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу колхоз — кўп тармоқли йирик хўжалик. Бу ерда астойдил меҳнат қилиш, илғор тажриба, фан ютуқларидан, техникадан самарали фойдаланиш туфайли пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ажойиб зафарларга эришилаётир. Ўтган йили колхоз давлатга 8 минг тоннадан ортиқроқ «оқ олтин» топширди ва ҳосилдорлик гектар бошига 27,5 центнерга етди.

Шонли юбилей йилида янги марраларни кўзлаётган коллектив аъзолари бу йил давлатга 3200 гектар майдондан 10 минг тонна пахта етказиб бериш ва ҳосилдорликни 30 центнерга кўтариш, чорва моллар маҳсулдорлигини ошириб, она-Ватанга 706 тонна гўшт, 1100 тонна сут, 119 тонна жун топширишга аҳд қилганлар. Бу юксак мажбуриятларни бажариш учун курашда ҳисоб-китоб ходимлари ҳам четда қолаётганлари йўқ. Айниқса бу ишда Сайфиддин Ғайбуллаев алоҳида намуна кўрсатмоқда.

Ишчан коммунист Ғайбуллаев колхознинг Тилов Очилов бошлиқ 5-бригадасида агитаторлик қилади. Бригада аъзолари бу йил 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашаётирлар. Моҳир агитатор ўзининг мароқли суҳбат ва лекциялари билан пахтакорларни улкан муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда.

Колхоз бойлигини талон-торож қилувчилар ва унга бефарқ муносабатда бўлувчиларни фош этишда бухгалтер Ғайбуллаевнинг роли катта. Яқинда бош бухгалтер колхознинг Иқром Файзуллаев, Карим Азгаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бўлиб, ғўза парваришида ва суғоришнинг аҳволи билан танишди. Аниқланилишича, ҳар иккала бригадада ҳам ғўза сифатсиз суғорилаётган экан. Бригада бошлиқлари эса сувни исроф қилаётганларга кўра-била меҳнат ҳақи ёзган. С. Ғайбуллаев буни правленигга маълум қилди ва бригадирларга чора кўрилди.

Бу йил колхозчилар учун қарийб 2 миллион сўм иш ҳақи тўланиши лозим. Ана шу маблағнинг 860 минг сўми олти ой давомида меҳнаткашларга аванс тариқасида тарқатилди. Ҳозир далада ҳар куни 1500 кишига иссиқ овқат, 3000 та нон пиширилади. Колхоздаги 1710 бола тарбияланаётган 23 та доимий ва 6 та мавсумий боғча-яслилар учун ҳар куни маҳсулот тақсимланади. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб-китоб билан амалга оширилади. Демак, бухгалтер Сайфиддин Ғайбуллаев бу ишларни тўғри амалга ошириш учун ҳам вақт топиши лозим. Тиниб-тинчимас, қайноқ қалб эгаси умум манфаати йўлида қилинадиган ҳар бир иш учун вақт топади, эл манфаати йўлида хизмат қилишни муқаддас бурчи деб билади.

У. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Сиз юқоридаги суратда Янгиариқ бошқармасидаги «Хонқа» шолиқорлик совхози қурувчиларидан коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси К. Аҳмедов, бригадир А. Еқубов ҳамда крончи Н. Иванов ўртоқларни кўриб турибсиз. Уларнинг қўли билан шу йилнинг охиригача яна 35 та уйжой, 2 та ётоқхона, ошхона, клуб, кинотеатр бинолари қад кўтаради. Пастдаги суратда: ана шу совхознинг ўртоқ Николай Ким бошқарувчилик қилаётган биринчи бўлими далалари тасвирланган. Бўлим ишчилари гектаридан пландаги 25 ўрнига, 30 центнердан шоли етиштириш учун курашмоқдалар.

В. Никонов фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

Озод Эшбоев ёш мутахассислардан. Шу неча-кундузда у Чорвоқ гидроузели қурилишига хизмат қиладиган темир йўл тармоғини барпо этишда актив қатнашмоқда. Қурилиш мастери бўлиб ишлаётган инженер Ўртоқ Эшбоев Барраж—Чорвоқ темир йўл тармоғининг тез фойдаланишга топширилиши учун олиб борилаётган курашда намуна кўрсатмоқда. Суратда: Озод Эшбоев темир йўл тармоғи трассасида.

И. Глауберзон фотоси.

РАЙҲОН ГУЛИ

Ёз ойлари отпуска талаблар кўпайиб кетиб, идорамиз ҳуриллаб қолади. Мен Собиржонга жуда ўрганиб қолганман. Кўп дилкаш йигит-да ўзи! Ундан отпускага ҳам бирга чиқсакмикин деб сўрадим:

— Собиржон, отпускани қачон олмоқчисиз?

— Райҳон гуллаганда.

— Бултур ҳам ўшанақа пайтда чиқдингиз шекилли.

Шундай! Райҳон гуллаганда Тошкентга бориб, отахонимнинг қабрини зиёрат қиламан. У киши райҳонни, айниқса Наманган садарайҳонини жуда хуш кўрарди. Ҳатто кампирлари райҳон уруғидан ёстиқча ясаб берган эдилар.

— Ия, тошкентликман денг.

— Йўқ! Асли Намангандан. У киши менинг тутуғган отам эдилар. Ўз отам ҳаёт.

Собиржон отахони ҳақида ҳикоя бошлади.

— Ўн йил муқаддам Тошкентга ўқишга борган эдим. Конкурсда бир балл етмай қолди. Қишлоққа қайтмадим. Резервист бўлиб юравердим. Қишлоққа қайтсаммикин, деб ўйладим. Ўй ўйлаб охирига етолмадим. Бир кун трамвайда хаёл билан узоқ ўтириб қолибман.

— Йигитча, шаҳарни икки айландингиз! Қаерда тушасиз?— ялт этиб қарасам тепамда паст бўйли, кенг яғринли, эллик бешлардан ошган киши — кондуктор турибди. Нима дейишни билмадим. У эса яна сўради:

— Ўйингиз қаерда?

— Ўйим йўқ, — дедим. Вагонда ҳеч ким қолмаган экан, аҳволимни айтиб юрагимни бир оз бўшатиб олдим.

— Ҳозир сменани топширамман, — деди кондуктор, — бизникига борамиз.

У кишининг исми Жўрабой экан. Уларникига бордик. Яним кечада хотинини уйғотиб, овқат тайёрлатди. Уч ўғли бор экан, улар билан таништирди. «Мана уй, мана жой. Шу ерда туриб, бемалол ўқишингизни давом эттираверинг»,—деди Жўрабой ака. Ўша ҳонадонда саккиз йил яшадим: беш йил институтда, уч йил аспирантурада ўқидим. Жўрабой ака чинакам оталик қилди. Сал кечга қолсам институтга борар эди раҳматлик. Кандидатлик диссертациясини ёқлаганимдан кейин ўша ҳовлида катта зиёфат ўтказдик. Отахонимга тўн кийгиздик. Шунда у ўзининг яхши кўрган гапини яна такрорлади: «Собиржон, ўғлим, дунёда яхшилик қилишдан яхши нарса йўқ!» — деди у. Ўзи ҳам фақат яхшилик учун туғилган эди.

— Отахонингизнинг болалари соғ-саломатми? — сўрадим.

— Ҳа, ҳаммаси саломат. Ҳар сафар поезддан тушгач, бир даста райҳон кўтариб, отахонимнинг қабрига бораман. Кейин қадрдон хонадонни кўргани кираман.

Собиржоннинг ҳикоясини тинглаб, ҳаёлга толдим: дарвоқе, яхшилик киши қалбида ўчмас из қолдиради.

УМРЗОҚ ОТА

Умрзоқ ота—маҳалланинг энг нуронийси. Бу йил 90 ёшини катта тўй қилиб берди. Ўзи ҳам маҳалланинг йиғинидан, маъракасидан сира четда қолмайди. Уни фахрий актив дейишади. Мана ҳозир ҳам ҳассасига таяниб, битта-битта қадам ташлаб қаергадир кетяпти. У цемент плита етқизилган кўприк тепасида бир оз тин олди. Синамоқчи бўлганидек, ҳасса билан кўпримни «дўқ-дўқ» урди. Кейин йўлида давом этиб, муйилишдаги катта қизил дарвоза ёнига борди. Аста таққиллатди. Ичкаридан йўл-йўл пижама кийган ўттиз беш ёшлардаги бир йигит чиқди.

— Ассалому алайкум, келинг, отахон! Марҳамат!— йигит дарвозани ланг очиб йўл бўшатди.

— Балли, ўғлим. Ишга кетиб қолмасингдан гаплашиб олай деб келдим.

— Яхши, ичкари киринг, чой тайёр.

— Балли, раҳмат! Гапим бир оғиз, шу ерда айта қолай. Бу, раис болам, дорихона қурилиши тўхтаб қолди! Нега?

— Ҳа, безаги қолди, холос. Бўёққа озроқ маблағимиз етмай турибди.

— Хўш, нима қилмоқчисизлар?

— Бугун кечқурун активларни йиғиб маслаҳатлашамиз. Бирон гап чиқар.

— Балли, ишқилиб тезроқ битсин дейман-да.

Ота ҳассасини дўқиллатиб орқасига қайтди. Кечқурун барча активлар идорага йиғилишди. Бир вақт ота ҳам кириб келди. Ҳамма ўрнидан туриб, уни тўрга ўтқазишди. Мажлисуқўбат бошланди. Бўёқ масаласида қар хил таклиф бўлди. Биров, хонадонлардан пул йиғиш керак деса, яна бири ариқ бўйидаги кекса толларни кесиб сотиб, ўшанинг пулини ишлатишни таклиф қилди.

Навбат Умрзоқ отага келди:

— Болаларим, — деди у, — маҳалла обод бўлса, бизга, сизга, болаларга яхши! Гапим шуки, хонадонлардан пул йиғманглар, толни ҳам кесманглар. Мана буни ишлатинглар! — Умрзоқ ота қўйнидан бир даста пул олиб, раиснинг олдига қўйди. — Мен рози, ишлатинглар. Бу пулни сўнгги йўлимга ярар деб йиғиб қўйгандим. Бемалол ишлатинглар, маҳалла аҳли омон бўлса бас...

Маҳалла активлари бир-бирига қарашди-ю, қарсак чалиб юборишди.

Н. ЕҚУБОВ.

Халқ шоири билан учрашув

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбиридан). Кеча Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида сиртдан ўқиётган студентлар Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом билан учрашдилар. Учрашувда шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган доклад бўлди ва бир группа студентлар кекса шоирни табрикладилар.

Учрашувда 300 дан ортиқ студент қатнашди.

ШАҲАР ТЕМАСИДА

БУЛАРДА НИМА ГУНОҲ?

Тошкент область халқ судининг коридорлари, заллари кишилар билан гавжум. Тўпланганларнинг баъзилари суд натижасини билгани, баъзилари суд процессини кузатгани келишган. Саидмуродов исмли кекса бу ерга ўн беш кундан буён гувоҳ сифатида келаётганини айтди.

Одамлар бир коридордан иккинчи коридорга ўтишади, сўнгра ташқарига чиқишади. Бу сарсон-саргардончилик ҳар кун қайтарилади. Коридорларга стул, скамейкалар қўйилмаган. Шу сабабли, оёғи ногиронлар ҳам, қари-қартанглар, бола-чақали аёллар ҳам кун бўйи оёқда тик туради.

Борди-ю, бирор сабаб билан хат ёзмоқчи бўлсангиз, бу муддаонгизга асло етолмайсиз. Хат ёзиш учун на стол, на сиёҳ, на ручка топа оласиз бу ердан.

Ажаб, жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олади, хўш гувоҳлар, ёки судланувчиларнинг қариндош-уруғлари, бола-чақаларида нима гуноҳ бор, деган қонуний савол туғилади. Область суди раҳбарлари бу саволга нима дейишарини?

Р. ИСҲОҚОВ.

ФУТБОЛ

„ПАХТАКОР“ „ЎЧ“ ОЛОЛМАДИ

«Пахтакор» командаси узоқ сафардан қайтгач, неча ўз майдонида «Жальгирис» (Литва) командасини қабул қилди. Маълумки, пахтакорчилар биринчи даврада мағлубият (1:2) га учраган эдилар. Бунинг устига ўзбекистонлик футболчилар иккинчи даврининг дастлабки беш ўйинини рақиб майдонларида ўтказиб, сафардан жуда нам ўлжа билан (10 очкодан фақат 2 очко) қайтиб келдилар ва турнир жадвалидаги биринчи ўринни «Авангард»га бўшатиб бердилар. Шунинг учун «етти»ликка кириш мавқеи ҳам хавф остида қолди. Буларнинг ҳаммаси командадан навбатдаги ўйинга жиддий муносабатда бўлишни, бутун имкониятларни ишга солишни талаб қиларди. Марказий «Пахтакор» стадионига тўпланган 50 мингдан ортиқ ишқибоз ўз командасининг муваффақиятсизликдан чиқарган хулосасини жиддий кузатди.

Ўйиннинг 5-минутида Б. Абдураимов В. Любушин оширган тўпни дарвозага тепиб, ҳисобни очади, лекин орадан бир минут ўтмай, меҳмонлар ҳисобни баравараштирадилар. 25-минутда В. Любушин яна командани олдинга олиб чиқади. Футболчилар 2:1 ҳисобида танаффусга чиқадилар.

Ўйиннинг иккинчи ярмида «Жальгирис» командаси ўйинни дуранг қилишга муваффақ бўлди. 2:2 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади. Пахтакорчилар «ўч»ларини олишга муваффақ бўлолмадилар.

А. МАЪЗУМОВ.

ТИНГЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Орбитада ёш техник** (мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — **Телевизион янгиликлар**. 18.50 — **Адресимиз: СССР, Тошкент**. 19.15 — **Урток такси** (ҳужжатли фильм). 19.35 — Ж. Бизе. **Кармен** операсидан парчалар (Большой театр артистлари ва Италия қўшиқчиси Марио дель Монако ижросида).

20.40 — **Эшиттиришлар программаси**.

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**. 21.10 — **Зарбдор комсомол қурилишларида** («Ёшлик» студияси кўрсатади). 21.30 — **Чорвадорлар учун**. 21.50 — **Иблис макони** (телевизион бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.20 — **Севимли қўшиқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/VII да **Травиата**, 25/VII да **Оқшоқ нўён**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қандай қилиб севимли бўлиш мумкин — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан), «ЧАЙКА» (кеч 6, 8 ва 10 да).

Итальянча қўйди-чиқди — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ромео, менинг қўшним — «СПУТНИК»» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кечқурун), «ВАТАН» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб 10, кундуз 12, 2 ва 4 да).

Митти бола — «ВАТАН» (эрталаб 10 да).

Тоғ ёзи қисқа — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ваня — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Аэродром қабул қилмайди — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 5, 7 ва 9 да).

Фронт болалари (эрталаб 10 да). **Кечувда учрашув** (кундуз ва кечқурун) — «МОСКВА».

Уч қават бахт — «ВОСТОК» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9-10 минут ва 10 яримда)

Ромео, менинг қўшним — «ПАХТАКОР» (9-10 минутда). «ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ».

Қандай қилиб севимли бўлиш мумкин — НАВОИЙ номли, «ХЕВА», «РАКЕТА», «ШАРҚ».

Палиастоми — «САЛЮТ», СТЕПАН РАЗИН номли.

Мутлоқ махфий — КАФАНОВ номли. ПУШКИН номли.

Итальянча қўйди-чиқди — ТЕЛЬМАН номли.

Урушдан кейин кеч соат 6 да — «УДАРНИК».

Душанба — оғир кун — «1 МАЙ».

Актриса — КИРОВ номли.

Крепостной актриса — ФРУНЗЕ номли.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
26 июлда

катта концерт

Концертда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Саодат Қобилова, Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **К. Юсупова, Г. Маваева, Ҳ. Комилова, Ж. Низомхўжаев, М. Давидов**, солист **Э. Йўлдошев** ва халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

ҚИЗИҚИШ КАТТА

ЛОНДОН, 22 июль. (ТАСС). Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Польша Халқ Республикаси 20 йиллигига бағишлаб Варшавада ўтказилган тантанали мажлисдаги нутқига Лондон матбуоти зўр қизиқиш билан қарамоқда. Кўпчилик газеталар, шу жумладан «Таймс», «Дейли экспресс», «Гардиан», «Дейли уорнер» ва бошқа газеталар нутқнинг баёнини, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг суратларини босиб чиқарди.

Матбуот Совет ҳукумати бошлиғининг Қўшма Штатларда уришқоқлик руҳи билан айтилган гапларни ва у ерда ҳукм сураётган фашизм муҳитини қоралаб, ғапирган сўзларини алоҳида ажратиб кўрсатмоқда. «Таймс» газетаси Н. С. Хрушчевнинг империалистлар дўқ-пўписаси социалистик мамлакатларни тағин ҳам кўпроқ жипслаштириб юборади. деган сўзларини таъкидлаб кўрсатмоқда.

Бир қанча газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг социализм мамлакатлари ютуқларига бағишланган жойларига аҳамият бермоқдалар.

У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 22 июль. (ТАСС). Вьетнам проблемасини куч ишлатиш йўли билан ҳал этиб бўлмайди. Сиёсий ва дипломатик музокараларгина бу масаланинг тинч ҳал этилишига олиб келиши мумкин, деди БМТ бош секретари У Тан Франция телевидениесининг мухбири билан суҳбатда. Бу масалани ҳал этиш учун, деб қўшимча қилди у, Женева кенгашига қайтиш керак.

Гамбия мустақил бўлади

ЛОНДОН, 22 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Гамбияга мустақиллик бериш масаласига бағишланган конференция очилди. Музокараларда Гамбия томонидан бош министр Дэвид Жавара бошчилигидаги ҳукумат вакиллари иштирок этмоқда. Англия делегациясига миллатлар ҳамдўстлиги ва мустамлакалар министри Данкен Сэндис бошчилик қилмоқда.

Конференция мамлакатнинг бўлажак статуси тўғрисида Гамбия ҳукумати тақдим этган таклифларни қараб чиқади. Бу таклифлар Гамбияга 1965 йил февралда мустақиллик берилишини кўзда тутади.

УМУМ АФРИКА АССАМБЛЕЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ҚОҲИРА, 22 июль ТАСС мухбирлари **С. Соловьев** билан **В. Дуганов** хабар берадилар:

Иккинчи Умум Африка конференцияси — Африкадаги мустақил давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг ассамблеяси кеча бу ерда ўз ишини тамомлади. Африкадаги 33 мамлакат бошлиқлари қитъанинг энг зарур проблемаларини муҳокама қилдилар ҳамда Африканинг мустамлакачиликдан узил-кесил халос бўлишига эришишга ва чинакам мустақиллик учун курашда ўз сафларини жипслаштиришга қатъий бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

Улар қабул қилган 22 моддадан иборат якунловчи ахборотда айтилдики, ассамблея Африка бирдамлигига ва бирлигига эришиш мақсадида Африканинг ҳамма соҳалардаги ички ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўллари ва воситаларини қараб чиқди.

Ассамблея йилига бир марта тўпланиб туриш, Аддис-Абебани Африка бирлиги ташкилотининг доимий штаб-квартираси деб ҳисоблаш тўғрисида ўзининг иш қоидаларини қабул қилди, шунингдек Африка бирлиги ташкилоти министрлар кенгашининг навбатдаги ва фавқулодда сессиялари докладларини маъқуллади.

Ахборотда таъкидланиб ўтиладики, Африка бирлиги ташкилотининг олтита махсус комитети: маориф ва маданият масалалари; фан ва техника; санитария, соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат проблемалари; мудофаа; социал масалалар комитетлари ва юристлар комитети бўлади.

Африкада мустамлакачиликни узил-кесил тугатиш тўғрисидаги масала ассамблеяда муҳокама қилинган асосий масалалардан бири бўлди.

Ассамблея Жанубий Африкага (Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезия. — **Редакция изоҳи**) бойкот эълон қилишга, у билан савдо-сотиқни, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб беришни тўхтатишга чақирди. Африка давлат ва ҳукумат бошлиқлари Нельсон Мандела, Уолтер Сисулу, Мангалисо Собуквени ҳамда апартеидга қарши кураш олиб борганликлари учун қамоққа олинган жанубий африкалик бошқа ҳамма ватанпарварларни озод қилишни талаб этдилар.

Ассамблея европалик озчилик ҳукуматининг Жанубий Родезия мустақиллигини бир томонлама эълон қилишига қарши чиқди ҳамда Англия ҳукуматини Жанубий Родезия учун қўпчиликнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган янги демократик конституция тайёрлашга чақирди, Жошуа Нкомонинг, Ндабанинги Ситоле ва бошқа сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини талаб этди.

Африкадаги мустақил давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари Португалияни ўз мустамлакаларидаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини танишдан бош тортганлиги учун ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ва Бош Ассамблеясининг резолюциясини бажаришдан бош тортганлиги учун қоралардилар. Ассамблея Португалияга нисбатан таъсир қилувчи бойкот эълон қилинишига эришишга қарор қилди.

Ахборотда айтилдики, Африка бирлиги ташкилотининг мамлакатлари Басутоленд, Бечуаналенд ва Свазилендинг территориал бутунлиги, мустақиллиги ва суверенитети гарантияланишига эришиш учун ҳаракат қилиши лозим. Африка давлатлари ва ҳукуматларининг бошлиқлари Африкадаги озодлик ҳаракатига ёрдамни кенгайтиришга қарор қилдилар.

ТАЛОНЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

ҚАРАКАС, 22 июль. (ТАСС). Ривожланиш министрлигининг маълумотларига кўра, 1951 йил билан 1963 йил ўртасидаги даврда Венесуэла ташқи савдосининг дефицити кўпайиб, 9,5 миллиард долларга етган. Бу — Қўшма Штатлар шу мамлакатга зўрлаб қабул қилдирган ва талончилик руҳи билан суғорилган савдо-сотиқ шартномасининг оқибатидир.

Америка монополияларининг Венесуэладаги хўжайинлиги экономикада турғунликка, ишсизликка ва аҳолининг ёппасига қашшоқланишига олиб келди. Етти ярим миллион кишилик аҳолиси бўлган мамлакатда ҳозир 700 минг ишсиз ва қарийб бир миллион боқимсиз бола бор. Кўп одамлар ҳар куни очликдан ўлиб кетяпти.



26 июль Куба халқи тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилгандир. Чунки, 1953 йилнинг худ ди шу кунида Кубада халқ революцияси бошланган. Бир группа ёш ватанпарварлар ўшанда Фидель Кастро раҳбарлигида Сантьягодаги Монкада қалъасига ҳужум қилишган эди. Куба революцияси галаба қилгандан сўнг, қалъа ўрни тикланиб, бу ерда 26 июль номли ўқувчилар шаҳарчаси бунёд этилди. Унда Озодлик оролининг ёш граждан лари билим олмоқдалар. Суратда ўқувчилар шаҳарчасининг корпусларидан бири тасвирланган.

В. Соболев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ОНАНИНГ ЖАСОРАТИ

Қош қорайди. Кўнда на ой нур сочар, на юлдузлар милтиллар эди. Худди шу неча партизанлар келиб, отряд учун гуруч олиб кетишларидан Да она хабардор этиб қўйилган эди. Шунинг учун у анчагача мижжа қоқмай, келувчиларни кутди. Аммо, улардан дарак бўлмади. Худди шу пайт оёқ товуши қулоққа чалинди.

Онанинг юраги гуп-гуп ура бошлади. «Бизниклар! Ана, ахири келишди». У эшикдан кўзини бир зум узмай, унинг уч марта қоқилишини кутиб турди. Бу одатдаги шартли белги эди. Кулбанинг остонаси олдида бир неча шарпа келиб тўхтади.

Дуп!.. Дуп!.. Дуп!.: Дуп!!!

Она сесканиб кетди. Эшикнинг тўртинчи бор урилиши уни ўйлантириб қўйди. Бир неча дақиқадан сўнг эшик яна қоқилди.

Дуп!.. Дуп!.. Дуп!.. Дуп!!!

Яна тўрт марта:

Шундан кейин жимжитлик бошланди. Бу жимжитлик кишини қўрқувга солувчи, эн. тиктирувчи жимжитлик эди. Да она ўзини йўқота ёзди: нега тўрт марта? Тагин бу партизанларни қўлга тушириш учун душманлар ўйлаб топган ҳийласи эмасмикин? Агар ўзимизниклар бўлишганда шу вақтгача номларини ҳам айтишарди-ку?

Кенса аёлнинг бутун вужудини қўрқув босди.

«Аммо, ўзимизниклар ҳам ҳадемай келиб қолишади. Нима қилиш керак..а? Бундан уларни қай йўл билан огоҳ қилсам экан?» «Кенса аёл ўзини заррача ўйламас эди, лекин у халқ бахт-саодати учун ўз жонини ҳам аямай курашаётганлар ҳаётининг хавф остида қолишидан қўрқар эди. У оёқ учида ошхонага чиқиладиган эшик олдига келди. У томонда ҳам бир группа жазоловчилар туришар эди.

Аёл винтовка затворларининг шақир-шуқур овозини эшитди. Энди тузоққа тушилганига сира шубҳа қилмаса ҳам бўлар эди.

— Узимизниклари бундан хабардор қилиб қўйиш учун бирор илож топиш керак!

— У худди шу ўй билан ўзини дадил тутиб олди. Аёл эшик томон йўлланди. Бироқ қоқилиб кетди. Душманлар буни эшитишиб, товуш чиқарма, деб бақиришди.

Да она ёшириниб олди, у нима қилиш кераклигини ўйларди. Шунда хўрозлар учинчи бор қичқирди... Душманлар кампирни қўрқитиб олдик, энди миқ этмайди деб, ўйланиб, партизанлар келишини хотиржам кутар эдилар.

Лекин кеча сукунатини бузиб, одамнинг юрагини ирзиқтириб юборувчи овоз эшитилди:

— Одамлар, ёрдам берингглар! Босмачилар, босмачилар!

Босмачилар буни сира кутишмаган эди. Улар хонага бостириб кирдилар.

— Овозингни ўчир, шум кампир! — нимдир унинг кекирдагидан хиппа бўғиб олди.

Лекин Да она итариб ташлади ва яна қичқира бошлади:

— Одамлар, ёрдам берингглар, ёрдам берингглар!

Кенса аёлнинг бош-кўзи, бутун гавдаси аралаш муштлар ёғила бошлади. У ўзининг ҳолдан тоғиётганлигини сезарди. Шундай бўлса ҳам жон-жаҳди билан қайта-қайта қичқирар эди. Кампирнинг овозига бутун қишлоқ уйғонди. Қўшнилар югурганича кела бошладилар. Тревога сигнали чалинди. Дўмбира ва қўнғироқларнинг овози болаларнинг баҳиргиси ва йиғиси, итларнинг ҳуриши билан қўшилиб кетди...

Жазоловчилар қўймоқчи бўлган қопқонларининг беҳуда ёғила бошлади. У ўзининг ҳолдан тоғиётганлигини сезарди. Шундай бўлса ҳам жон-жаҳди билан қайта-қайта қичқирар эди. Кампирнинг овозига бутун қишлоқ уйғонди. Қўшнилар югурганича кела бошладилар. Тревога сигнали чалинди. Дўмбира ва қўнғироқларнинг овози болаларнинг баҳиргиси ва йиғиси, итларнинг ҳуриши билан қўшилиб кетди...

Жазоловчилар қўймоқчи бўлган қопқонларининг беҳуда ёғила бошлади. У ўзининг ҳолдан тоғиётганлигини сезарди. Шундай бўлса ҳам жон-жаҳди билан қайта-қайта қичқирар эди. Кампирнинг овозига бутун қишлоқ уйғонди. Қўшнилар югурганича кела бошладилар. Тревога сигнали чалинди. Дўмбира ва қўнғироқларнинг овози болаларнинг баҳиргиси ва йиғиси, итларнинг ҳуриши билан қўшилиб кетди...

Хоай НАМ,
«Освобождение» агентлигининг мухбири.

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

чет тиллардан: инглиз, немис, француз тилларини ўрганиш учун

ПУЛЛИК, ИККИ ЙИЛЛИК

КУРСГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади.

Курсга кирувчилар институт ректори номига ёзилган аризага маълумоти ҳақидаги ҳужжат билан иш жойидан справкани қўшиб берадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 11-уй.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИГА

студентлар учун

хоналар керак

Мурожаат учун адрес: Учитель кўчаси, 39-уй, 1-қават, 4-хона.

«Главташкентстрой»нинг

153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

2, 3-разрядли сувоқчилар

керак

Тошкентда прописка қилинган ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Чилонзор массивида трестнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (6, 14, 15, 23, 24, 29, 30-автобус, 7, 9-троллейбуснинг «Стройтрест» остановкаси, 9, 11-трамвайнинг «Чилонзор» остановкаси).

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР ЙИҒУВ ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, зубофрезеровщиклар, металл ишловчи станок наладчиклари, шлифовкачилар, инструмент чархловчилар, слесарлар, слесарь-лекальщиклар, электрокаршчиклар, электромонтёрлар, бухгалтерлар, тракторчилар, шогирдлар, ёрдамчи ишчилар.

КЕРАК

Ишчилар ишга бориш ва қайтишда Келес станцияси, Паркент бозори, Қорасув, Оқтепа массивидаги пунктлардан завод транспортида ташилади.

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 117-уйда заводнинг кадрлар бўлимига учрашилсин (10, 11, 14, 43-автобус, 6-троллейбуснинг «Трактор Йиғув заводи» остановкаси).

Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

«РЕММЕБЕЛЬ» КОМБИНАТИ

(Проект кўчаси, 37-уй, телефон 4-35-26)

буюртмачилар уйида, кўчма устахоналарда ва қабул пунктларида

МЕБЕЛЬ

РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН аҳолидан ва ташкилотлардан ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ,

шунингдек буюртмачилар эскизи юзасидан

ЯНГИ МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАЙДИ

Қабул пунктларининг адреси: Лении кўчаси, 27-уйда, телефон 3-10-29.

«Правда Востока» кўчаси, 19-уйда, Марказий хизмат кўрсатиш бюроси, телефон 2-53-11.

Чуқурсой бозорида, Оҳунбобоев майдонида, Чилонзор массивидаги Пионер кўчасида (бозор), Олмазор трассаси, 3-уйда (Шимолий промзона), Циолковский кўчаси, 168-уйда.

«ЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Ўрта Осиё республикаларидаги объектларда ишлаш учун прораблар ва мастерлар, 3, 4, 5-разрядли монтажчи слесарлар, электрогазосварчилар, электромонтажчилар, 3, 4, 5, 6-разрядли вентиляция тунукасозлари

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезд, 27-уй, телефон 8-12-86, 6-12-92 (16, 21-автобус, 4-трамвайнинг «2. Мелькомбинат» остановкаси).

СССР «Госсредазстрой», «Главузстрой», «Главсредазспецмонтаж», «Главсредазстройиндустрия», «Главсредазстройснаб» коллективлари, СССР «Госсредазстрой»нинг партия бюроси ва месткоми «Главсредазстройиндустрия» бошлиги Ўртоқ А. Қ. Қаюмовга онаси

Савриниса

ҚАЮМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши Транспорт бошқармасининг партия, касаба союз ташкилотлари ва ходимлари 7-автобаза директори Ўртоқ Абдулҳай Қаюмовга онаси

Савриниса

ҚАЮМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар киностудияси коллективи студиянинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ўртоқ Малик Қаюмовга онаси

Савриниса

ҚАЮМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323, Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34451, Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 06873. ИНДЕКС — 64543. № Б — 171.